

Гарбда вафот этган кишининг кабрида ёзиб колдирилган шеърий матнлар эпитафия, деб аталган. Шарқда ҳам мархумларнинг кабрига шеърий матн ёзиш ва шу йўл билан унинг хотирасини абадийлаштиришга интилиш холлари кўп учрайди. Бунинг мисоли сифатида адабиётнинг обида жанрига кирувчи Ўрхун-Энасой ёдгорликлари, Билка-Коон ва Култегин кабр тошларидаги ёзувларни кўрсатиш мумкин.

Эпитафияларда кўпинча мархумнинг яшаган вақти, яхши фазилатлари ва кишиларнинг, хусусан, шоирнинг унга бўлган муносабати кўрсатилган.

Эпитафияга ўзбек мумтоз адабиётидаги тарих жанри маълум даражада якин туради. Шеърий тарихлар, одатда, муайян ходиса ёки бирон кишининг ўлими муносабати билан ёзилган. Улар факатгина кабр тошларига ёзилиши шарт бўлмаган. Тарихда муайян воқеа юз берган ёки бирон кишининг вафоти содир бўлган йил ифодаланган. Воқеанинг йили кўпинча очик айтилмай, абжад усули бидан муаммо тарзида берилган. Араб алфавитидаги хар бир харф бирон сонни ҳам биддиради. Харфларнинг сони абжад хисоби деб юритиладиган жадвалда ифодаланган бўлиб, унинг ёрдамида хар бир сўз қандай микдордаги сонга тенглигини аниқлаш мумкин.

Ўзбек тилида ёзилган тарихнинг мисолини биз Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-кулуб» асарида учратамиз. Шоир асарнинг ёзилган йилини куйидаги тарихда маълум қилади:

Бу номагаким лисоним ўлди койил,

Килким тили хар навъ эл ишига нокил.

Тарихи чу хуш лафзидин ўлди хосил,

Хар ким ўкуса, илохи, ўлгай хушдил.

Демак, шоир асарнинг ёзилиш йилини араб ёзувидаги «хуш» сўзининг харфлари ракамларининг йигиндиси воситасида ифодалаган. Жадвалга кўра, «х» харфи 600 га, «вов» харфи 6 га, «ш» харфи эса 300 га тенг. Буларни бир-бирига қўшсак, йигинди 906 га баробар бўлади. Демак, «Махбуб ул-кулуб» асари 906 хижрий йилда ёзилган. Муайян хижрий йилнинг қайси милодий йилга тўғри келишини аниқдаш учун унинг раками аввал 33 га бўлинади, кейин бўлинма бўлинувчидан айрилади ва хосил бўлган айирмага 622 қўшилади. Агар 906 ни 33 га бўлсак, 28 чиқади, 906 дан 28 ни айирсак, 878 қолади. 878 га 622 ни қўшганимизда эса йигинди 1500 га тенг бўлади. Демак, «Махбуб ул-кулуб» асари милодий 1500 йилда ёзилган.